

Осмон ёришиб, тог чўккилари аник кўрина бошлаганда тепалик ёнбагридаги яккаю ягона уйда хаёт кундалик изига тушиб кетди. Сора хола одатдагидек уйнинг орка томонида юзтacha товукка мўлжалланган катак томон йўл олди. Эрта билан биринчи киладиган иши шу: товукларни катакдан чикариб юборади, у ёк-бу ёкни тозалаб, бурчак-бурчаклардаги чукурчаларга ташлаб кетилган тухумларни териб олади. Мояк учун кўйилган ок пиёз кирланиб ёки сўлиб колиб, товукларнинг гашини келтирса, ўша чукурчага одатдагидан кўра камрок тухум ташланади. Бундай пайтда Сора хола ошхонага кириб, янги, оппок пиёз олиб чикади, эскисининг ўрнига алмаштириб кўяди. Кампир бугун одатдагидан сал кечикиброк уйгонди. Товуклар ундан норози бўлгандек какаглашиб кутиб олишди. Факат сарик-кизгиш патлари камалакдек товланиб турган даканг хўroz хар галгидек хотиржам. Катак бўшаганда Сора хола ичкарига кириб, тухумларни саватга жойлай бошлади. Энг чеккадаги чукурчага энгашганида беихтиёр «Вой!» деб юборди. Кир, тухум ёки пиёзлигини ажратиш кийин бўлиб колган мояк ёнида бир дона тухум ётарди: кип-кизил! Чунонам теп-текис, кизилки, атайин бўялса хам бундай чикмайди.

Кампир тухумни хаяжон билан кўлга олиб, кафтида айлантириб кўрди, хеч нима тушунолмади. Саватини апил-тапил кўтариб, уйга караб чопди. Балки чоли бир нима дер? У хар калай ўрмонда кўп юрган, кузатган — кушлар, хайвонлар.

Карим ота хам ўрнидан аллакачон турган, милтиги тайёр, сафар халтасига нималарнидир жойлаётган эди. Ховликиб кирган кампирининг кўлидаги тухумни кўриб у хам ажабланди, айлантириб кўрди. Кирк йил ўрмон кезиб, хайвонлар, кушлар, паррандаю даррандаларнинг миридан сиригача билиби-ю, товук кизил тухум тузишини биринчи кўриб туриши! Ёки у халиям билмайдиган куш зоти бормикин? Чол канча бош котирмасин, бу ажабтовур тухумнинг сирини билолмади, кейин: «Кўятур, эртага кишлокка борганимда ола кетаман», деди ва чарм халтаси билан овора бўлиб кетди.

Иккови чой устида хам кизил тухум хакида гаплашиб ўтиришди. «Вой, тавба-эй, тухум хам шунака бўладими?» деб кўярди кампир. Чол кўп гапирмасдан чойини тез-тез ичди, тайёрлаб кўйган нарсаларини олди-да, ёлгиз оёк йўлдан ўрмонга жўнади.

Сора хола уйни йигиштириди, ташкарига чикиб, кизил тухумни кай бири тугди экан, деб товукларни бир-бир кўздан кечириб келди. Гайриоддий хеч нима сезмагандан кейин дўппи тикадиган игна-ип ва пилтакачларни олиб, ташкарига чикмокчи хам эдики, «китир-китир» этган товуш келди. Кейинги пайтларда сичконлар кўпайиб кетиб, тез-тез «мехмондорчиликка» келадиган бўлиб колишганди. Кампир: «Хах, яшшамагурлар!» деб товуш келган томонга талпинди. Токчанинг бир бурчагида кичкинагина тешик бўлиб, сичкон кўпинча ўша ердан чикиб, ўша жойнинг ўзига кириб кетарди. Токча олдига етганда кампир галати товуш чикариб, кичкириб юборди. Ёшлиқ пайтлари ўрмон айланиб юриб, кўккисдан айикка дуч келиб колганида хам шунчалик кўрккан эмасди. Хозир эса, оёклари калтираб, мадори куриб, ўтириб колди. Бояги кизил тухум... каттакон киркма ковундек бўлиб шишиб кетган, усти ўша-ўша кип-кизил, олд томонида телевизорникига ўхшаган экрани хам бор. «Вой тавба! Ё тавба — гўлдиради кампир. Экран ёришиб, ундан одам кўринди. Бошида галати кийим бор, космонавт десанг космонавт эмас, циркларда чикадиган масҳарабоз десанг, ўхшамаяпти. «Вой, дод!» дея кампир эшикка томон эмаклаб кетди.

— Хой, кампир, хой, Сора хола, кўркманг! — деди экрандаги одам галати талаффуз

билан.

Оз исмини, беозор товушни эшитиб, кампир бир оз сергакланди, кўркув чекингандек бўлди. Битта-яримта «темир жинниси»нинг кўлидан келаётган иш бўлса керак, деб ўйлади. Эмаклаб борган жойида тўхтаб, анграйиб колди.

— Кўркманг, Сора хола! — такрорлади одам галати жилмайиб. — Сувдан хўпланг.

Кампир курси устидаги чойнакка кўл чўзди. Кўллари титраб, илиб колган чойдан култ-култ ютди. Экрандаги одам уни юпатмокчи бўларди:

— Сора хола, сиз оккўнгил одамсиз, дилингизда губор йўқ. Узок умр кўрасиз, лекин... — У гапида тўхтаб, экранда кўринмаётган кимса билан имлашиб олди. Шунда хам гапирмай тарааддувланиб колди.

— Нима «лекин»? — дея олди кампир нихоят.

— Чолингизни айтмокчиман... уни ўрмонга чикарманг. У ерда тезрок куни битиб колади, кейин... — Кутимаганда кампир кўллари билан дагдага килганча туриб кетди:

— Хах, яшшамагур! — У бирдан чойнакка ёпишиб, телевизорга отди. Чойнак чил-чил бўлди-ю, «телевизор»га, экранни сал хиралашиб, сўнг яна ўз холига кайтганини айтмаса, жин хам урмади. — Кўнгли сезиб турувди-я, бу иш сен муттаҳамлардан келяпти, деб.

Чолимни уйга камаб кўйиб, ўрмонда билган ишларингни килмокчимисанлар?

— Озингизни босиб, гапларимга кулок солмасангиз, хозирок гойиб бўламиз, кейин афсусланиб коласиз.

— Нима? Нима бўлади чолимга? Уни ўлдирмокчими? — дея шалвираб, ўтириб колди кампир.

— Хеч ким чолингизни ўлдирмайди. У ўз-ўзига завол бўлади.

— Нима дединг?

— Барча жоноворлар учун тугилиш, ўлиш бор, лекин хеч бири куни битганини ўзи билмайди. Тўгрими? Биз эса буни биламиз.

— Нега энди, чолимнинг куни ўрмонда тезрок битиб коларкан?

— Негаки, у ўз вазифасини ўтаётганда ортиқча берилиб кетаркан.

— Сенингча, муз-тош бўлиб юрса умри узок бўларкан-да? Гапинг мунча совук?

— Биз олис сайёрадан келганимиз, — гап бошлади экрандаги одам.

— Арши-аълодан келган бўлсанг хам мазах килгани уялмайсанми?! — деди кампир йигламсираб.

— Сизни мазах килаётганимиз йўқ, аксинча, яхши кўриб колдик.

— Вой, ордона колгур.

— Чолингиз хам бизга ёкиб колди, — деди одам кулгидан ўзини зўрга тутиб. — Уни иши жуда хайрли экан. Табиатга гамхўрлик килиб юриш хар бир акли зотнинг бурчи, бирок ўрмонни одамлардан муҳофаза килиш аклга сигмайди. Умуман, хали-вери одамлар ниманидир бир-бирларидан кўриклар эканлар, биз кандай келган бўлсак, шундай ими-жимида кайтиб кетганимиз маъкул. Хозир хам хатардан холи эмасмиз, лекин кимгадир яхшилик килмасдан кетолмаймиз, конунимиз шундай. Атроф кишлокларни кидириб, сиз билан чолингизни танладик. Энди тушундингизми? Сиз шу тухумни авайлаб юринг, унинг ёрдамида кўп одамларнинг паймонасини узайтириб, фалокатлардан куткариб коласиз. Уни кафтингизга кўйиб, иккинчи кафтингизнинг оркаси билан думалацангиз, телевизорга айланади. Айни вактда истаган кишингизнинг номини айтинг...

— Бир камим фолбинлик эди... — Зарда килди кампир.

— Экран кизил тусга кирса... — Экран лип этиб ўчди, «телевизор» кичрайиб,

илгариgidек кип-кизил тухум бўлиб колди. Кампир канча вакт анкайиб турганини билмайди, хаёл сургандан кўра тухумни синамайманми, деди. Уни кафтига олиб, бояги одам айтгандек килди:

— Карим, Соранинг чоли, шаҳардаги катта дўхтири Зухранинг отаси... — Тухум аста шишиб, кичкина телевизорга айланди. Унинг экранида ўрмон кўринди: тог ёнбагирлари, арчалар, бодом, дўлана, баланд-баланд ўсган ўт-ўланлар. Кампир бу гиёхларнинг иси уйку келтиришини яхши билади. Иэ! Экранда одам кўриниб колди. Карим ота?! Сора холанинг чоли!

— Хой! — деб юборди кампир бехосдан. Чол эшитармиди, ўт-ўланлар орасида кетаверди. — Хой, деяпман! Уйку ўтлардан нарирок юринг!

Экранда хеч нарса кўринмай колди, унинг ўрни секин-аста кизара бошлаганда ўчиб колди. Кампирни вахима босди: «Бояги одам экран кизариб кеца, деяётувди-я, нега охиригача эшитмадим? Чолимга нима бўлади, энди?» Озини кўярга жой тополмай, кампир ташкарига чикди, у ёк-бу ёкка юриб, чолни узокрок ерга отланганини эслади, шувдаям кўриниб колмасмикин, деган умидда ўрмонга кириб чикди. Озини бир оз овутиш максадида у-буга караган бўлди, товукларни чакириб дон ташлади. Кўзига хунукрок кўринган бир-иккитасини: «Каёқдан фалокат бошлаб келдиларинг?» — деб кесак билан тушириб колди. — «Сен яшшамагурларни етти хазинанинг бири деб юрсам, нималарга дучор килмокчисанлар, хапи? Ораларингда инсу жинслар хам борга ўхшаб колди».

Кампир жаврай-жаврай овунди чоги, бояги манзара, кизгиш рангнинг ташвиши энди арзимаган тушдай туюла бошлади, дадил кадам ташлаб, тикадиган ишларини олиб чикиш учун уйга кирди. Караса, токчада тухум йўк! Иккита сичкон кувлашмачок ўйнаб юришган экан, лип этиб тешикка кириб кетишиди. Токчанинг тагида, оёк остида иккига ажралиб кетган кип-кизил тухум пўчоги ётарди. Куп-куруқ, на сариги кўринади, на оки! Факат кафтдек келадиган жой дод бўлиб колган, ялтираб турибди. Кампир пўчокларни кўлига олганда, кафтига нўхатдек золдир юмалаб тушди. Унчалик оғир хам эмас, жуда енгил хам эмас. Туси саргиш, ялтирок. Кампир уни ташкарига олиб чикиб, ёрукка тутиб кўрди. «Олтинмикин? — хаёлидан ўтди кампирнинг. — Охшайди!»

Киска вакт ичиди кўз кўриб, кулок эшитмаган сирли вокэаларнинг гувохи бўлган кампир эсанкираб колаёзганидан эхтиёткорликни унутди. Нўхатча кафтидан думапаб ерга тушди, энгашиб уни олгунича, бир чипор товук югуриб келди-да, ютиб юборди. Кампир хай-хайлаганча колаверди, товук эса кочиб кетди.

* * *

Карим ота кун ботиб, ўрмонга коронгулик чўка бошлаганда хориб-чарчаб, аранг уйига этиб келди. Остонада хомуш ўтирган кампир кувониб кетганидан югуриб пешвоз чикиди, чолининг кўлидан халтасини олди, чанг-чунгини кокаётиб, кийимларининг йиртилиб кетганидан ажабланиб: «Сизга нима бўлди? Каёкларда колиб кетдингиз-эй?» — деди.

— Кайтиб келганимга хурсанд бўлавер, онаси, бир ўлимдан колдим, — деди чол хоргин товуш билан. Сора хола турган ерида котиб колди, «Тухум... тухум», деди-ю, у ёгига ўтолмай, хўнграб йиглаб юборди. Чол кампирини сяб, уйга олиб кирди, сув ичириб, бир оз ўзига келтирди. Кизил тухум кўрсатган кароматларни эшитгач, ўрмондаги вокэани гапириб берди...

Карим ота, ўрмоннинг тартиббузарлар кўпроқ изгиб юрадиган олис бир четига якинлашиб колганида, кўккисдан она айикка дуч келиб колди. Унинг ёнида тўртта боласи

кўзларини йилтиратиб, гуж туришарди. Айик болаларининг хеч кандай зиёни йўқ, лекин онасининг авзойи бузук, бир хамла билан чолни тилка-пора килмокчи! Чол елкасидан милтигини тушириб, тепкини босмасиданок, айикнинг кучли кўллари милтикни осонгина тортиб олди. Чол унга чап бериб пичогига ёпишди, лекин шу пайт миясида бир фикр чакмоқдек ялт этди, гўё уни илгаридан ўйлаб кўйгандек. Фикр канчалик тез келган бўлса, чол шунчалик шиддат билан ёнида тикка ўсиб ётган ўтлардан бирини юлкиб олди-да, бостириб келаётган айикнинг тумшугига чакконлик билан теккизди. Айик ўкирганча шилк этиб тушди, гавдаси билан чолнинг белидан босиб колди...

— Кийимларимни айик болалари йиртиб ташлашди. Озим нима ахволда ётибману тўртталаси ташланса бўладими? У ёкка туртиб, бу ёкка туртиб, зўрга кутулибман-а!

Карим ота сафар халтасидан кўримсизгина ўт шохини авайлаб чикариб, нафасига якин келтирмай, кампирга кўрсатди:

— Мана, карагин, онаси, ўша ўт. Ойлаб карасам ўша пайтда кимдир кулогимга ўтни юлиб айикнинг тумшугига тут, дегандек туюлди.

— Мен сизга доим, шу ўтдан эҳтиёт бўлинг, дердим-ку. Тухумнинг ичida кўринганингизда хам айтдим. Демак, ўша гапим кулогингизга этиб борибди-да.

Чолу кампир бўлган вокэаларни узок эслашиб, нихоят, булар хаммаси кип-кизил нўчокли олтин тухумнинг каромати, деган хulosага келишди.

— Тухум синиб колгани чаток бўпти-да, онаси, ўзга сайёралик билан бир гаплашиб олардим, — деди чол.

— Паймонангиз тўлиб колибди, энди пенсияга чикинг, ишламанг, — деди кампир катъий. — Шахарга, кизимиз, невараларимиз ёнига борамиз.

— Бе-э! — Кўл силтади чол. — Парво килма, онаси, чипор товугинг яна битта олтин тухум туғиб берса, сен уйда ўтириб олиб, мени фалокатлардан куткариб колаверасан. Чол-кампир бараварига кулиб юборишди.